



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ғофоров Шокир Сафарович**

*тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ғолипов Файзулла Саидович**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Ўктамжон Абдуллаев</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
<b>2. Собир Абдуназаров</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
<b>3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов</b> ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
<b>4. Акмал Базарбаев</b> ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
<b>5. Ойбек Исаев</b> СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
<b>6. Гулмира Каттаева</b> ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
<b>7. Nargiza Karimova</b> ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA BA’ZI MASALALAR.....	54
<b>8. Дадахон Норқўзиёв</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
<b>9. Мафтуна Рўзикулова</b> МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
<b>10. Махмуджон Солиев</b> ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
<b>11. Наргиза Ҳасанова</b> ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
<b>12. Махпурат Хуббалиева</b> БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁХАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хасанова Наргиза Махсатжоновна,  
Андижон давлат университети докторанти

## ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ

**For citation:** Nargiza Maqsadjonovna Hasanova, MOTHERHOOD IS THE IMMENSE RESPONSIBILITY OF THE MODERN ORIENTAL WOMAN. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.76-84

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада илм-маърифат, юртимиз тарихига назар, оила, онанинг масъуляти, шунингдек аёл-қизларнинг таълим-тарбиясига жамият ва оилада эътибор ҳақидаги фикрлар баён этилган. Шунингдек Андижон шаҳрида мавзу бўйича муаллиф томонидан ўтказилган кузатув натижалари таҳлил этилган ва улар асосида хулосаси ва тавсиялари берилган.

**Калит сўзлар:** илм-маърифат, таълим, инновация, оила, ислохот, ижтимоий-иқтисодий, тенг-ҳуқуқлилик, оммавий маданият, интеллектуал салоҳият, сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар, ҳулк наъмуналари, эстетик тарбия.

Наргиза Махсатжоновна Хасанова,  
докторант Андижанского  
государственного университета

## МАТЕРИНСТВО – ОГРОМНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СОВРЕМЕННОЙ ВОСТОЧНЫ ЖЕНЩИНЫ ВОСТАКА

### АННОТАЦИЯ

В статье изложены суждения о просвещении, взгляды на историю нашего края, на вопросы семьи, материнской ответственности, а также сопричастности семьи и общества в целом к воспитанию и обучению женщин – девушек. Вместе с тем, приводятся выводы и рекомендации на основе аналитических результатов опроса, проведенного в городе Андижане по теме исследования.

**Ключевые слова:** просвещение, образование, инновация, семья, материнская ответственность, реформа, социально-экономический, равноправие, массовая культура, интеллектуальный потенциал, политико-идеологическое мировоззрение, нормы морали, образцы поведения, эстетическое воспитание.

Nargiza Maqsadjonovna Hasanova,  
doctoral student of Andijan State University

## MOTHERHOOD IS THE IMMENSE RESPONSIBILITY OF THE MODERN ORIENTAL WOMAN

## ABSTRACT

The article presents opinions on education, enlightenment, views on the history of our country, the family, maternal responsibility, as well as the involvement of society and the family in the education and training of girls. At the same time, an analysis of the results of the questionnaire conducted by the author on the topic of the article in the city of Andijan is provided, as well as conclusions and recommendations based on it.

**Index Terms:** science, education, innovation, family, reform, socio-economic, equality, potential, political and ideological worldview, moral norms, patterns of behavior, aesthetic education.

*Агар биз бўлгуси хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, бухорийлар, улугбеклар, навоийларни тарбияламоқчи эканмиз, биринчи навбатда, ҳар томонлама соғлом, юксак билимли ва маънавиятли оналарни тарбиялашимиз зарур [1]*

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев

### 1. Долзарблиги:

Бугун тараққий этаётган, илм-маъримат ривожланаётган даврда Имом Бухорийдек, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоийдек улуг зотлар туғилишини, буюк кашфиётлар бўлишини улар билан фахрланишни ҳар даврдан ҳам кўпроқ орзу қилмоқдамиз. Буюк инсонларни эса буюк оналар тарбиялайдилар. Бинобарин, миллат тараққиёти учун оналар илми, ҳаракатчан, миллий қадриятларимизга содик, бўлишлари долзарб масаладир.

### 2. Методлар ва мавзунинг ўрганилиш даражаси:

Мақола тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолисликтамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда бугунги тез фурсатларда ривожланаётган глобаллашув замонида хотин-қизларнинг билим ва тафаккурли бўлишлари зарурияти кўрсатилиб берилган.

Замонавий шароитда жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришга доир илмий-тадқиқот ишлари фалсафий, ижтимоий, психологик ва иқтисодий йўналишлар асосида амалга оширилаётганлиги кўзга ташланади.

Жаҳон тажрибасида хотин-қизлар масаласининг ўрганилиши юзасидан фалсафий, методологик жиҳатлари Симона де Бувар, Р.Хов, Ж.Лорбер, К.Уэст ва Д.Зиммерманн, Е.Кучкина, В.Фесенко, ижтимоий йўналишда В.М.Хвостов, О.Воронина, Б.Фридан, Е.Здравомислова, гуманитар ёндашув асосида Н.Вульф, К.Мишар-Маршаль, К.Рибери, Г.Мур каби олимларнинг илмий ишлари, монография ва ўқув қўлланмаларида чуқур таҳлил этилган. Оила ва никоҳ, масалалари тарихий ёндашув асосида швейцариялик олим И.Баховен(1815-1887)нинг “Оналик ҳуқуқи” китобида, америкалик тадқиқотчи Л.Морган (1818-1881)нинг асарларида жумладан, “Қадимги жамият” китобида оилага нисбатан эволюцион қарашлар баён этилган.

Мамлакатимизда айнан бу масалада замонавий илмий тадқиқотлар совет тузумининг барбод бўлиши билан коммунистик мафкура таъсиридан холи бўлган ҳолда мустақиллик йилларида тўлақонли ўрганила бошланди.

Ҳозирда тарихий воқеликларни ёритишда янгича ёндашув ва қарашларга кенг йўл очиб берилган бўлиб, айниқса, ўзбек хотин-қизлар, оила, масалалари доирасида ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида тадқиқот ишлари олиб бориш учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида мамлакат хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётдаги иштироки ва фаолиятлари билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, улар хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, мавжуд

муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишда муҳимдир.

Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқларининг миллий ва халқаро жиҳатлари ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиш жараёнларига бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд[2.Б-320]. Шу билан бирга, аёллар меҳнатининг рақобатбардошлиги ва уларнинг бандлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг алоҳида ўрни таҳлил этилган тадқиқотлар ҳам аҳамиятлидир[3. Б-84-86,].

Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни илк бор сиёсий нуқтаи назардан ўрганилган тадқиқотда аёлларнинг иқтисодий фаолликлари уларнинг жамият сиёсий ҳаётида ҳам фаоллашувига ижобий таъсир этишига аҳамият қаратилган[4 Б-250]. Унда Ўзбекистонда хотин-қизларга оид стратегик вазифалар, мамлакатни демократлаштириш жараёнида хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари, аёлларда сиёсий лидерлик хусусиятлари, давлат томонидан яратилган имкониятлар аёллар ижтимоий фаоллигининг ошиши, уларнинг оила ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида долзарб аҳамият касб этаётгани, мазкур масалаларда улар олдида турган муаммоларнинг ечими юзасидан назарий-амалий хулосалар берилган.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ўзбек моделига асосан бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаол иштироки россиялик олимлар М.Гафарли ва А.Касаев томонидан ҳам ижобий ўрганилган. [5 Б-252].

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мақомини ошириш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотларда, уларнинг замонавий интеллектуал қобилиятлари ва уни ривожлантириш, ХХІ аср оиласининг муҳим функционал вазифалари ижтимоий фаоллигини ривожлантириш муаммоси яхлит тарзда ўрганилмаган, лекин амалга оширилган баъзи тадқиқотларда муаммонинг муайян жиҳатларига эътибор қаратилган, мазкур муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар чоп этилган[6 Б-15].

Мақоланинг предмети мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда таълим-тарбияси масаласига доир фикр мулохозалардан иборат. Мақоланинг илмий янгилиги, аввало, мавзунинг мустақиллик мафқураси асосида тадқиқ этилиб, манбаларга танқидий тарихий жиҳатдан ёндашилиб, илк маротаба муомалага киритилаётган янги маълумотлар ва даврий матбуот материаллари асосида илмий-назарий хулосалар, янгича қарашлар, миллий ғоя ва янги методология асосида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган долзарб манбаларга асосан биринчи бор ўрганилганлигидадир.

Мақоланинг асосий мақсади 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-561 сонли Қонуни, “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-562-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938 сонли Фармони, 2018 йил 27 июндаги ПК-3808-сонли Карорига биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепциясида кўрсатилганидек, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оила кадриятларини сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш масалалари юзасидан оиланинг ижтимоий тизим сифатида жамиятда бажариши зарур бўлган эътибор қаратилиши, ҳамда бу жараёнда ота-оналарнинг алоҳида маъсулятини очиқ беришда муаммонинг илмий-назарий жиҳатдан долзарблиги ва муҳимлиги, унинг тадқиқ этиш даражасидан келиб чиққан ҳолда танланган даврий доирасини янги концептуал-методологик асосида ўрганишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чикиб қуйидаги вазифалар белгиланди: мавзуга оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида хулосалар чиқариш, истиқлолнинг ҳозирги босқичида ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётга ёрдам берадиган амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Дунё яралибдики ҳар бир даврда турли маданиятларнинг юзага келишида ва ривожланишида бевосита жамият ва давлатлар тараққиётида ақли расо доно зиёли кишиларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бироқ шуни тан олиш керакки ана шундай зиёли мутафаккир олиму-мусаввирларни, адибу давлат арбобларини ҳар бир даврнинг зиёли саналган аёллари тарбиялашган. Айниқса ўзбек халқи дунёга жуда кўплаб ана шундай буюк зотларни етказиб берганлиги билан алоҳида мавқеяга эга. Уларгамисол қилиб, Ситорабону (Ибн Синонинг онаси), Фотима (Имом Бухорийнинг онаси), Биби Орифабегим (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг онаси), Тегина бегим Моҳ (Амир Темурнинг онаси), Гавҳаршод Бегим (Мирзо Улуғбекнинг онаси), Салима Бону (Алишер Навоийнинг онаси), Қутлуғ Нигор хоним (Мирзо Бобурнинг она)ларни келтириб ўтиш мумкин.

Бежизга халқимизда аёлларимизга нисбатан “бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратар аёл” дейишмаган. Улар бешиқда аллалаган фарзандлар дунёни илму-маърифат, одил сиёсати билан бошқаришганлигига ўтмиш гувоҳ. Шу боис тарихий манбаларда ҳам бу мунис зотларнинг ақлу-заковати, афсонавий имкониятлари тўғрисида жуда кўп маълумотларни учратиш мумкин. Шунданми қадим Шарқда аёлларни нафақат гўзаллик тимсоли, балки “ҳаётнинг яратувчиси” дея эъзозлаганлар, хатто жаннатнинг муаззам боғлари оналар оёғи остига ҳадя қилинган.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу аснода оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди[7 Б-345].

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-фан, таълим тизимида тўлақонли иштирок этиши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий жараёнларида, ички ва ташқи сиёсат масалаларида фаол қатнашиши жамиятнинг асосий фаоллият турига айланиб улгурган. Ўзбекистоннинг бугунги замонавий аёллари жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мамлакат тараққиёти учун ҳам тинимсиз изланишлар олиб бормоқдалар. Қолаверса хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари учун Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга аёлларни тобора кўпроқ жалб этишга; аёлларнинг молиявий кредитлардан фойдаланишини таъминлашга, аёллар ва болалар жиноятига қарши курашга, экологик ҳавфсизликка, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда, қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг қатнашишига уларнинг бу борадаги билимларини оширишга аҳамият берилмоқда.

Замонавий таҳлилчиларнинг фикрича, сиёсатдаги аёлларнинг роли жамиятда қарор топган дунёқарашдан келиб чиқар экан. 2019 йил парламент сайлови натижалари, айнан шу фикрларни исботини кўрсатди. Яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мамлакатимиз парламенти тарихида илк бор 48 нафар аёл депутат бўлиб сайланди[8], Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди[9]. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик. Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда[10]. Бу эса хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб

борилаётган ислохотлар самараси билан бирга ҳокимият бошқарувида ҳам уларнинг салмоғи янада ортганини кўрсатади.

Бугунги кунда миллий парламентимизни аёл киши Танзила Камоловна Норбоеванинг бошқараётганининг ўзи мамлакатимизда аёллар ижтимоий-сиёсий фаолиятига билдирилган ишончнинг энг юксак наъмунасидир. Эндиликда аёлларимиз – туман ва шаҳар ҳокими лавозимларида фаолият олиб бормоқдалар. Юртимиз тарихида илк бор аёл элчи (Фуреза Махмудова, Ўзбекистоннинг Исроилдаги фавкулудда ва мухтор элчиси) этиб ўз фаолитини бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия, Сенатда эса Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия ташкил этилиши ҳам Ўзбекистонда аёл зотига кўрсатилаётган катта эътибор меваси бўлди[11].

Бундан ташқариқанчадан-қанча ўзбек аёлларимустақиллик йиллар илм-фан ва маданиятда оламшумул зафарларга эришмоқда, уларни дунё тан олмақда, ноёб мутахассис даражасига етмоқдалар. Масалан, – жаҳонга танилган аёл дирижёрлардан бири, шу заминда яшаб ижод қилган Дилбар Абдураҳмонова бўлади. Академик Ҳадича Сулаймонова Марказий Осиёда биринчи суд экспертизаси институтининг асосчиси бўлди. Археолог Галина Пугаченкова илмий ишларининг довуғи бутун дунёга тарқалди. Азиза Шоназарова Колумбия университети профессори мақомини олган биринчи ўзбекистонлик бўлса, Нигора Ҳақимова Оксфорд университетининг исломшунослик марказида ўзбекистонлик илк тадқиқотчи аёл бўлди.

Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлгани эса аёл-қизларнинг фаолияти давлатимизнинг доимий эътирофида эканлигини кўрсатади. Улар орасида академик, фан докторлари, фан номзодлари, илмий ходимлар, каби ажойиб меҳнатсевар кадрлар бордир. Уларнинг бундай марраларга эришишида аввало оилада, меҳнат жамоаларида, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятларини устувор эканлигидандир албатта.

Дарҳақиқат миллатнинг тақдир, мамлакатнинг ёрқин келажагини таъминлашда аввало зиёли оналарнинг ўрни бениҳоя каттадир. Бу ҳақда алоҳида тўхталган француз адиби Оноре де Бальзак, - “Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир”, деб ёзган эди.

Бугунги кунда кўплаб тадқиқотлар асосида оилаларни кузатишлар орқали, қайси оилада аёл фаросатли, дидли, адолатли-андишали, зиёли бўлиб, фарзандига ўз вақтида аҳамият қаратиб тўғри тарбиялай олса, ана шу хонадонда кўпроқ маънавиятли инсонлар камол топиши аниқланди...

Шарқ мутафаккирларидан бири – Абу Райҳон Беруний ҳам оилавий муносабатларда айниқса, хотин-қизлар тарбияси муҳим аҳамият касб этиши ҳақида, ўзининг «Минерология» асарида оила қураётган қизларга ота-онанинг насиҳатлариасосида мисоллар келтириб, оиладаги тинчлик-тотувлик, бахтиёрлик кўпроқ аёллар зиммасига тушиши, оила тинчи бевосита ақлли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканлигинилоҳида таъкидлайли [12 Б-256].

Фарзанд тарбиясидаги асосий масъулият онанинг зиммасига тушар эканбунинг учун аёл-қизларни илм-маърифатга йўналтириш, касб-хунарга ўргатиш асосий вазифадир. Уларни илм олиш йўлларини тўсиш, келажакнинг оёғига болта уриш билан баробардир. Бироқ ҳали-хануз орамизда қизларнинг ўқиш ва ўрганишига қарши инсонларнинг борлиги ачинарлидир.

Бу хусусида XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида яшаб ижод этган татар олими Ризоуддин ибн Фаҳруддин, “Хотунларга илм уқутмоқ зарарлидир дейиш ноҳақ сўз бўлиб, одамларнинг ярмидан иборат бўлган кишиларни илмдан бебаҳра қолдиришга, бунинг натижасида умуман одам болаларини тарбиядан маҳрум қилишга йўл очиш демақдир”деб ёзган эди[13 Б-11].

Маълумки тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврида кишини тарбиялашнинг мақсадлари ва воситалари ўзгаради, ахлоқ меъёрлари, маданият бойликлари, одамларнинг кизиқишлари, ғоявий қарашлари, фикр юритиш усуллари ўзгариб боради. XXI-асрга келиббулар бутунлай ўзгарган десак муболаға бўлмайди.

Чунки XXI аср – шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган даврва тараққиёт асрибўлиб, бу инсонлардан замонавий билимларни талаб қилмоқда. Бугунги кунга келиб, инсониятни кўплаб оғирини енгил қилган техникаларнинг яратилиши билан бирга инсонларнихатарли омиллар ҳам қуршаб олгани рост, масалан ҳозирга қадар таҳликага солиб келган ядровий уруш хавфни эндиликда ахборот хуружлари эгалламоқда. Ҳозирда инсонлар тараққиёт ютуқларибиланбир қаторда “оммавий маданият” деб аталаётган вертуал муаммо билан ҳам ёнма-ён яшамоқда. Оммавий маданиятнинг энг ёмон томони шуки у инсонни фикрлашига бутунлай қарши. Инсонни ва тафаккурига кучли таъсир ўтказиб қарамлик ҳолатига келтиради. Бу ҳолат яхлит бир жамиятни парокандаликка олиб келиши, ўз ўрнида таълим-тарбияга акси таъсир қилиши ҳам сир эмас. Унинг асосий муҳлислари ёшлар эканлиги янада хатарлидир. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Буларнинг барчасини инобатга олиб, бугунги шиддат билан ўзгараётган даврда жамиятнинг ҳар икки томонини, яъни эркаклар билан бир қаторда аёл-қизларнинг ҳам ақлу-закофатли, мустақил фикрлай оладиган, турли вазиятларда муҳим қарорлар чиқара оладиган даражада билим ва тафаккурли бўлиши талаб этилмоқда. Зеро XXI –аср ўқимишли, изланувчан ҳамда замонавий билимларга эга инсонлар давридир. Шу боис таълим-тарбиянинг замонга мос ва хос шаклини ривожлантириш зарур. Айниқса бугунги глобаллашув замонида илм-маърифатли аёллар ёшлар маънавиятини юксалтириш, илм-фан тараққиёти, мамлакатнинг инновацион ривожланишида ўрни беқиёсдир. Қолаверса жаҳон миқёсида австриялик ва америкалик психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида замонавий эркаклар бугунги кунда аёл кишининг ташқи гўзаллигидан кўра, ички дунёсига, ақлига кўпроқ эътибор беришмоқда, деган хулосани айтишмоқда. Инсбурк ва Шимолий-Ғарбий университетларнинг мутахассислари бир неча халқларнинг маданиятини ўрганиш жараёнида охириги ўн йил давомида кучли жинс вакиллари ўзларига умр йўлдоши кидираётганда ақлли аёлларни танлаётганини аниқладилар.

Ўрта асрларнинг буюк алломаси Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб” асаридаги “Уйланиш ва хотинлар тўғрисидаги” фаслида мутаффақкирнинг уйланиш ва унинг фойдаси, оила одоби ва оилада аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрлари баён этилган бўлиб, “Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса – жон озиғидир. Оқида бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради” деб ёзган эди. [14 Б-244]

#### **4. Хулосалар:**

Оила қуриш, оналик улкан бахт бўлиш билан бирга улкан воқеа ҳамдир. Бу нафақат миллий, балки умумбашарий қадриятлардандир. Аъзалдан аждодлармизнинг шарқона тамойиллар асосида сақланиб келинаётган оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси ҳақидаги қарашлари ҳозирга қадар алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

Юқорида қайд этилган Шарқ мутаффақкирлари ва адибларининг оила ва тарбия ҳақидаги ғоя ва қарашларини, оила, хотин-қизлар муаммоларигага бағишланган илмийтадқиқотларни ўрганиш жараёнида шунга хулоса қилиш мумкинки, оила - ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлшига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислохотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуктаи назаридан соғ омон сақлаб қолган тузилмадир. Шу маънода оила - инсон бахти ва саодати, орзу-хаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини инсон сифатида идрок этиб хаёт нашидасини

сурадиган муқаддас макондир. Бугун мамлакатимизда барча аҳолининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, шундан 77.8 фоиз аҳоли оиланинг асосий мазмуни фарзанд деб ҳисоблайдилар. Фарзанд тарбияси ва келажаги эса ҳар тамонлама етук оналарнинг қўлидадир.

Шу боис ҳам аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни масаласи доим олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бир донишманд “агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, аёлларга буюклик ва фазилатни ўргатингиз”, деб келажак масаласига урғу қаратгани бежиз эмас. Зеро ўсиб келаётган янги авлоднинг қандай бўлиши миллат тарбиячиси бўлган аёллар билими билан боғлиқдир.

Мухтасар қилиб айтганда аёл-қизларнинг таълим-тарбияси бу – келажак масаласи. Келажакни эса юксак маънавият ва одоб ахлоқли, сабр-матонатли оналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оналик – аёл-қизларимизнинг оила ва жамият олдидаги улкан маъсулияти экан, уни жиддий тайёргарликларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун:

1. Оила қуришдан аввал ҳар бир қиз оилали бўлишга тайёргарлик кўришлари, керак бўлса бунинг учун сабоқ олишлари лозим.

2. Илм-маърифатли бўлишлари шарт.

3. Замонавий техникалардан фойдаланишни (масалан, телефон, компьютер, машина бошқариш ва ҳо.к.з.) билишлари керак.

4. Бир нечта хорижий тилларни ўзлаштиришлари зарур.

5. Бошланғич тиббий билимга, тиббий маданиятга эга бўлишлари муҳим.

6. Оилада турли вазиятларни юмшата оладиган замонавий тилда айтган “психолог” бўлишлари керак.

7. Оилавий муносабатларни бардавом эттириш учун жинсий тарбия ва маданиятга эга бўлишлари керак.

8. Замонавий оиланинг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири бўлган, ҳар бир она ўз оиласининг бахт формуласини ишлаб чиқиши керак, яъни ўзини ва бошқа оила аъзоларинг бахтли хис қилишлари учун зарурий шароитларни яратишнинг уддасидан чиқишлари керак. Бир сўз билан айтганда бугунги куннинг аёли оилада “фелицитолог” (итал. «фелиците» - бахт) бўлишлари лозим [15 Б-112].

9. Барқарор вазиятларда тўғри қарор чиқара оладиган ҳуқуқий саводхон ва юридик маданиятга эга бўлишлари керак...

10. Оилани ижтимоий назорат қилиш вазифасини, яъни оила аъзоларининг ҳуқуқ-атворини, ахлоқини назорат қилиш, эр-хотиннинг оила ва жамият олдидаги масъулияти, фарзандларнинг ота-она, ота-онанинг фарзандлари олдидаги бурч ва масъулиятини билишлари лозим.

### Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. // <https://president.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 07.03.2020 (From the speech of the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the International Women's Day. \_\_\_\_ // <https://president.uz/uz> Official website of the President of the Republic of Uzbekistan / 07.03.2020).

2. Мусурмонова О. Аёлларга давлат ғамхўрлиги. Аёлга эҳтиром – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 320 б.; Сафаяева С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа фан номз. дисс... – Тошкент, 2002. – 186 б.; Маткаримова Г. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дис. ... доктора юрид. наук. – Ташкент, 2002. – 41 с. ( Musurmonova O. State care for women. Respect for women - Tashkent: Uzbekistan, 1999. - 320 pages. Safayeva S. Women's issues: social and national aspects. Thesis of the candidate of philosophical sciences - Tashkent, 2002. - 186 pages. Matkarimova G. Gender and

- reproductive rights of women in international and national law. Abstract of the dissertation of a doctor of law. - Tashkent, 2002. - 41 p.)
3. Рахимова Н. Конкурентоспособность женской рабочей силы//Бозор, пул, кредит. – Тошкент, 2002. – №2.–С. 84-86; Гонорская А. Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари хотин-қизлар бандлигини шакллантириш манбаи сифатида /Ўзбекистон хотин-қизларининг ўтиш даври тараққиёти ва ижтимоий ислохотлардаги иштироки. – Тошкент:Ахборот Ресурс Маркази, 2002. – Б. 53-56. (Rakhimova N. Competitiveness of the female labor force.// Market, money, credit. - Tashkent, 2002, 84-86 p. Gonorskaya A. Women's NGOs as a source of women's employment / Development of women in Uzbekistan in transition and participation in social reforms. - Tashkent: Information Resource Center, 2002. 53-56 p.)
  4. Султонова Э. Аёл давлатнинг ривожланиш стратегиясида (Глобал муаммо сифатида). – Тошкент: ЖИДУ, 2005.– 250 б. (Sultanova E. Women in the development strategy of the state (as a global problem) - Tashkent: UWED, 2005 – 250 pages.)
  5. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.252. (Gafarli M., Kasayev A. The Uzbek model of development: peace and stability - the basis of development. - Tashkent: Uzbekistan, 2001. 252 p.)
  6. Муравьёва Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Тошкент, 2004.–121 б.; Холматова М. Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари: муаммо ва ечимлар // Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2004. №1. – Б.15.( Muravyova N. Raising the social status of women in Uzbekistan. - Tashkent, 2004, 121 p; Holmatova M. Women's non-governmental organizations: problems and solutions // Civil society - Tashkent, 2004, 15 p.)
  7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “1”.Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017., 345-346 бетлар. (MirziyoyevSh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. "1", Tashkent - "Uzbekistan" - 2017, 345-346 p.)
  8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. //https://president.uz/uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.20.01.2020. (Speech by President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev at the First Session of the Legislative Chamber of the OliyMajlis (The Supreme Assembly) //https://president.uz/uzOfficial website of the President of the Republic of Uzbekistan. 20.01.2020)
  9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. //https://president.uz/uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.20.01.2020. (Speech by President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev at the First Session of the Senate of the OliyMajlis (The Supreme Assembly) //https://president.uz/uz Official website of the President of the Republic of Uzbekistan. 20.01.2020)
  10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.//https://president.uz/uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 07.03.2020 (From the speech of the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the International Women's Day.\_\_\_\_ //https://president.uz/uzOfficial website of the President of the Republic of Uzbekistan / 07.03.2020)
  11. www/parlament.uz
  12. Беруний. Минерология. – М., 1963. –С. 256 (Beruniy. Mineralogy. – М. 1963, - 256 p.)
  13. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. / Таржимон: Т.Зиёев. – Т.: «Меҳнат», 1991. – 11-б. (Rizouddin ibn Fahrud-din. Family. / Translator: T.Ziyoyev. - Т. "Mehnat", 1991 – 11 p.)
  14. Алишер Навоий. Махбуб-ул-Қулуб. – Т., 1966. 13-жилд. –244-б. (AlisherNavoi. Mahbub-ul-Qulub. – Т., 1966, 13 vol. – 244 p.)
  15. Оила энциклопедияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” давлат илмий

нашриёти., Тошкент-2019., 112-115 бетлар (Family encyclopedia. Scientific and Practical Research Center "Family" under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan", Tashkent - 2019, 112-115 p).

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 7 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 7**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 7**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000